

## ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ЖАРАЁНГА ТАДБИҒИ

*т.ф.ф.н. (PhD), катта ўқитувчи О.А.Салимов*

*талаба, Ҳ.А.Иброҳимова*

*талаба, З.М.Салимова*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

*Ушбу мақолада инновацион технологиялар ва илгор хорижий тажрибаларни таълим жараёнига тадбит тўғрисида маълумотлар берилган.*

*В данной статье представлена информация о применении инновационных технологий и передового зарубежного опыта в образовательном процессе.*

*The article provides information on the introduction of advanced foreign experiences and innovative technologies into the educational process.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш белгиланган [1].

Унда педагог кадрларни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини ошириб борилиши белгиланган.

Фармондаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги малака ошириш тармоқ марказида ўқув курслари учун намунавий ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб ўрнатилган тартибда тасдиқланди. Уқув режага «Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари», «Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат», «Таълим жараёнида ахборот- коммуникация технологияларини қўллаш», «Амалий хорижий тил», «Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари» ва «Махсус фанлар» модуллари киритилди.

Таълим муассасалари педагоглари нинг касбий компетентлигини ошириш мақсадида, ўқув-тарбия жараёнини илғор хорижий тажрибалар асосида янги ўқув услубий мажмуалар тайёрланиши ва модулли ўқитиш методидан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Баъзи мутахассислар интерфаол (талабаларни ақлий фаоллаштиришга асосланган) ва ноанъанавий (дастурланган таълим, модулли ўқитиш, лойиҳа усули, технологик харита ва ҳоказо) ёки ахборот-коммуникацион технологиялардан унумли фойдаланишмоқда. Педагогик технология, инсоният яратган барча ижобий педагогик усуллари энг яхши томонини ўзида мужассаамлантирган ўқитишнинг энг яхши замонавий усулидир.

Педагогик технология қуйидаги тамойиллардан иборат:

Биринчи, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда таълим технологияси мажмуалар назариясини қўллаш;

Иккинчи, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда дидактиканинг барча принциплари ва қонун қоидалари;

Учинчи, ўқув машғулотини лойиҳалашда - «мақсад ва уларга ажратилган вақт», «таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари», «ўқув машғулотининг типи ва тури», «педагогик услублар», «ахборот-коммуникацион технология ва дидактик материаллар» ўзаро узвий, яъни функционал боғлиқликда бўлган яхлитлик сифатида кўриш; Тўртинчи, ўқув жараёнини лойиҳалашда ва ундан амалиётда фойдаланишда таълим олувчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни, ўзлари мустақил равишда ўзлаштиришларига урғу бериш;

Бешинчи, ўқув машғулотини амалга оширишда, эгалланадиган билимларни таълим олувчилар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш;

Олтинчи, ҳар бир ўқув машғулоти якунида эришиладиган натижалар таҳлили;

Еттинчи, ўқув машғулотининг якунида, баҳолаш мезонлари асосида барча талабалар (тингловчилар)нинг билимларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш.

Таълим технология тамойилларидан келиб чиқиб, ўқув машғулотлар лойиҳасини тузишда бажариладиган вазифалар қуйидаги тартибда амалга оширилади. Бажариладиган биринчи вазифа-ўқув фанини яхлитликда кўриб, уни «мего» (ўта катта) модул деб англаб, бу модул якунида эришиладиган мақсад аниқланади. Ушбу мақсад мазкур ўқув фани учун белгиланган таълим стандарти талабига мос келиши лозим. Сўнг, муайян ўқув фани, яъни «мего» модул ичидаги билимларнинг ҳажми, мантиқий боғлиқлиги ва фикрини тугалланганлигидан келиб чиқиб, ундаги ўқув материални «макро», яъни катта

модулламга ажратилади ва уларнинг ҳам мақсадлари белгиланиб жадвал шаклида ифодаланади. Ҳар бир «макро» модуль ичидан мантиқан боғлиқ бўлган, шу билан баробар бир жуфт соатлик ўқув машғулотида талабалар онгига етказилиши лозим бўлган билимлар мажмуалари ажратилади ва уларга «мезо» - ўрта модуль деб ном берилади ва уларнинг ҳам мақсадлари аниқланади ва жадвал орқали ифодаланади.

Шу билан «таълим технология» тамойиллари асосида ўқув фани машғулотларини лойиҳалашнинг умумий жадвалларини тузиш вазифаси бажарилган ҳисобланади.

Бажариладиган иккинчи вазифа-ҳар бир жуфт соатлик ўқув машғулотининг, яъни ҳар бир «мезо» модулламнинг ҳусусий жадвалларини тузишдир.

Бунинг учун, биринчидан - ҳар битта ўқув машғулоти - “мезо” модуль ичидан бир нечта “микро”, яъни кичик модуллам ажратилади ва уларнинг мақсадлари, уларга ажратилган вақт ҳамда талабалар бажариши лозим бўлган иш ҳаракатлар белгиланади ва жадвал шаклига келтирилади.

Иккинчидан, ҳар бир жуфт соатлик ўқув машғулотидаги “микро” модуллам орқали берилладиган билимлар тизими ичидан таянч тушунчаларни ажратиб, улар асосида талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш учун назорат саволлари тузилади ва баҳолашнинг тур ва мезонлари аниқланиб олинади.

Учинчидан, ўқув машғулотининг ҳар бир “микро” модулида қўлланиладиган машғулотларнинг типи ва тури белгилаб олинади.

Тўртинчидан, ҳар бир “микро” модулда ишлатилладиган педагогик услублар аниқланади.

Бешинчидан, муайян ўқув муассасасида мавжуд ахборот-коммуникацион технологиялардан ҳамда ҳар бир «микро» модулда ўқув машғулотининг характеридан келиб чиқиб, ўқув машғулотини амалга оширишда фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион технология ва дидактик материалларнинг қўлланиш жойи белгиланади.

Шу билан «педагогик технология» тамойиллари асосида битта ўқув машғулотини лойиҳалашнинг ҳусусий жадвалларини тузиш вазифаси бажарилган бўлади. Буни ўқув машғулоти лойиҳасини тузиш алгоритми дейилади.

Ушбу алгоритмга асосланиб, «педагогик технология» нинг мақсад ва тамойилларига суянган ҳолда, исталган ўқув машғулотининг лойиҳаси тузилиб ундан таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

2. А.М.Салимов. Педагогик жараённи самарадорлигини оширишда инновацион миллий моделни таълим амалиётига тадбиғи - Т.: ТТЕСИ, 2014 й.